Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1996 йил 6 январь, шанба. №3. (21.924). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти. Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 январь куни мамлакатимизга амалий ташриф буюрган Буюк Британия ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари вазири Малкольм Рифкиндни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов икки мамлакат ўртасидаги алоқалар ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор қилар экан, бу борада Буюк Британия ишбилармон доиралари, хусусан, Ўзбекистон бозорида муваффақиятли фаолият бошлаган «Барклайз банк», «Ротшильд энд санз» каби банклар, «Бат индастриз» ва бошқа компаниялар вакиллари муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади. Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасида имзоланган ҳужжатлар бу алоқаларни янада ривожлантириш учун ҳуқуқий замин яратганини қайд этди.

Жаноб Малкольм Рифкинд самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Буюк Британия Ўзбекистон билан алоқаларни тараққий эттиришга алоҳида эътибор бераётганини айтди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Буюк Британия ҳамкорлигини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Учрашувда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Барбара Логан Хей ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ФУТБОЛИМИЗ ДОВРУҒИНИ ОШИРАЙЛИК

Куни кеча республика Вазирлар Маҳкамасида муҳим масалага бағишланган мажлис бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди. Юртбошимиз истиқлолнинг беш йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган давлатимиз обрўсини жаҳон миқёсида янада сарбаланд бўлиши омилларидан саналган футболимиз ривожига эътиборни қаратди. Биз ана шу йиғилиш иштирокчиси, республика Футбол федерациясининг бош котиби Зокир Қурбонов билан учрашиб, ўз таассуротларини баён этишини сўрадик.

— Спортга, хусусан футболга алоҳида эътибор қилинаётгани бежиз эмас, — дейди бош котиб. — Боиси, футбол ҳам жаҳоний маданиятнинг сарчашмаларидан саналади. Машҳур футболчиларнинг тўп суришларини нафосатга қиёс қилгулик. Футбол миллионларни ҳайратга солаётгани, завқлантираётгани учун ҳам спорт турлари ичида энг севимлиси ва оммавийси ҳисобланади. Келажаги буюк давлат барпо этиш йўлида саъй-ҳаракат қилинаётган Ватанимизда ана шу халқ севган ўйинни янада ривожлантириш, лаёқатли футболчилар тарбиялаш, футбол баҳона юртимиз довруғини дунёга ёйиш учун уч йил аввал қарор қабул қилинган эди. Ўзбекистонда футболни ривожлантириш тўғрисидаги бу қарордан кейин бирмунча ижобий ўзгаришлар бўлди. Бу ютуқларни энг сараси, албатта, мамлакат терма жамоасининг Осиё ўйинларидан ғолибона қайтиши эди.

Зеро, биз бу ютуқдан беҳад қувониш билан бирга юртимизда футболни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар борлигини ҳис этдик. Афсуски, ростини айтадиган бўлсак, ана шу ғалабадан кейин бироз хотиржамликка берилиш юзага келди. Оқибатда юртимизда футболни ривожлантиришга бағишланган қарорнинг муҳим бандлари назардан четда қолди. Юртбошимиз йиғилишда таъкидлаганидек, футболнинг моддий базасини мустаҳкамлаш учун бизда етарли шарт-шароитлар бор эди. Масалан, шаҳар ва қишлоқларда футбол билан оммавий шуғулланиш учун қулайликлар яратса бўлади. Лекин қишлоқ жойларида, айниқса, мактабларда спортга, хусусан, футболга етарли эътибор қилинмаяпти.

Тўғри, бош ўйингоҳимиз ҳисобланган «Пахтакор»ни таъмирлаш бошлаб юборилди. «Нефтчи» ўйингоҳи ҳам кенгайтирилади. Китоб шаҳрида янги ўйингоҳ ишга туширилган. «Чилонзор» майдони ҳам кўпчиликка маъқул келиб турибди. Тошкентнинг Чорсу даҳасида янги ўйингоҳ барпо этиш мўлжалланган. Шунингдек, Шофиркон, Беруний туманларида янги ўйингоҳлар қурилади. Ҳозир футбол ўйнаш мумкин бўлган яшил майдонлар 320 та бўлса, табиий ўт билан қоплангани 313 тани ташкил этади. Футбол майдончалари эса 1033 та бўлиб, спорт майдончалари 2000 тага яқин ҳисобланади.

Мажлисда шунингдек, ишкибозларнинг фахри бўлиб келган «Пахтакор» жамоасининг азалий шуҳрати ҳақида ҳам фикр билдирилди. Бу ҳам бежиз эмас. Чунки пахтакорчилар далаларда дур ундираётган минглаб пахтакорлар, қолаверса, кўплаб мухлисларнинг фахри ҳисобланади. Пахтакорчилар мавқеини кўтариш борасида изланишлар бор. Ҳозирча самараси камроқ бўлиб турибди. Ўйлаймизки, голландиялик Ханс Форелл устозлик қилаётган бу жамоа янги мавсумда ўзини ўнглаб, кўпчиликни қувонтиради.

Маълумки, биз бозор иқтисодиёти шароитида ривожланиш йўлини тутганмиз. Шунинг учун ҳам ўз харажатини ўзи қоплайдиган клубларни ташкил этиш, футбол жамоаларида ўйнайдиган ўйинчилар билан шартнома асосида муомала қилиш иқтисодиёт омилларидан саналади. Ҳозирча олий ва биринчи табақа жамоалари ана шундай иқтисодиётни қўллашга киришганлар. Футболчилар профессионал ўйинчи сифатида маош олишмоқда. Керагида моддий рағбатлантириб турилибди. Мақсад — иккинчи табақанинг 21 та ҳамда қуйи табақалардаги футбол жамоаларини ҳам шундай шароитда фаолият кўрсатишга тортиш ниятидамиз.

Йиғилишда билдирилган фикрлардан яна бири — баъзи ўйинчиларимизнинг хорижий мамлакатларда тўп суришга жўнаб кетишаётгани ҳақида бўлди. Ҳақиқатан ҳам ўзимизда барча ишларни қойил қилмасдан туриб, футболчиларни бемаврид хорижни кўзлашларига ижозат беришимиз инсофдан эмас. Зеро, футболда эришилган муваффақият хорижлик мутасадди-мутахассисларнинг ҳавасини келтириши табиий...

Нуфузли бу йиғилишда футболчиларнинг Ватан туйғуси, миллий ифтихор хислатлари ҳақида ҳам гап борди. Дарвоқе, ҳар бир футболчи йигит майдонга тушганда қалбида Ватанга меҳр жўш уриб, юртимиз довруғи ҳақида ўйламас экан, унинг маҳоратини [illegible] қишлай олармидилар. Бизни қувонтириб турган нарса шуки, йиғилишда юртимизда футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақидаги янги ҳужжатнинг муҳокамаси бўлди. Демак, биз ишни шундай ташкил қилишимиз лозимки, яқин келажакда Ўзбекистон футболи ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин оладиган бўлсин.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Т. НАБИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қурилиш соҳаларидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси Тўлаган Набиев Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 5 январь.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзовнинг таклифига биноан 1996 йил 16 январда Туркманистонга амалий ташриф буюради.

Бўлажак ташриф чоғида икки мустақил давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришни таъминлайдиган бир қанча давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ҳамда битимларни имзолаш назарда тутилган.

Бўлажак ташриф кўп асрлик тарихи, анъаналари ва маънавий қадриятлари муштарак икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик, қардошлик муносабатларини, ўзаро фойдали ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов Буюк Британия ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари вазири Малкольм Рифкинд билан учрашди.

Бош вазир Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги алоқалар, жумладан, савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг тобора ривожланиб бораётгани ҳар икки мамлакат манфаатларига тўла мос келишини қайд қилди.

Суҳбатда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

***

Шу куни Буюк Британия ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари вазири Малкольм Рифкинд Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Абдулазиз Комилов билан ҳам учрашди.

(ЎзА).

Иқтисодиёт олами • Иқтисодиёт олами • Иқтисодиёт олами

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Сода ниҳоятда қимматли хом ашё. Собиқ Иттифоқ даврида бор-йўғи 4 та сода заводи бор эди. Эндиликда у заводлардан сода олиш амримаҳол бўлиб қоляпти. Бунинг устига ҳаддан ташқари қиммат. Республика ҳукуматининг катта ёрдами туфайли оғир ва енгил саноат, кимё, самолётсозлик, ойнасозлик, электр-техника, озиқ-овқат саноати тармоқларида ишлатиладиган содани ишлаб чиқарадиган заводни Қўнғирот туманида қуришга қарор қилинди. Ҳозир завод қурилишига тайёргарлик ишлари қизғин бошлаб юборилди.

Йилига 210 минг тонна сода ишлаб чиқарадиган бу завод қурилишида 1000 дан зиёд киши ишламоқда. Шу ернинг ўзида 1,5 минг аҳоли яшайдиган шаҳарча қурилиши ҳам бошланди. Шаҳарчага сув, газ, электр энергияси келтирилди. Ишчилар учун барча маданий-маиший шароитлар яратилмоқда.

Дастлабки ётоқхона фойдаланишга топширилди. 7,5 километрлик водопровод қувурлари ётқизилиб, қурувчилар ичимлик сув билан таъминланди.

— Шу йилнинг биринчи чорагида 4 та ётоқхона, омборлар, ҳар бири соатига 75 тонна буғ берадиган 3 та қозонхона ишга туширилади. Агар 1995 йилда 240 миллион сўмликдан кўпроқ қурилиш ишлари бажарилган бўлса, бу йил қурилиш кўлами 10-12 ҳиссага кўпаяди, — дейди сода заводи қурилиши маъмуриятининг директори Марат Юсупов.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Сирдарё вилоятидаги «Малик» давлат хўжалиги сут-товар фермаси қошида ташкил этилган кичик заводнинг иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай натижалар сезиларли бўлянти. Ғаи шундаки, Исроилнинг «Эйнеб» фирмаси мутахассислари катта наф келтирадиган асбоб-ускуналар олиб келиб, бу ерга ўрнатдилар. Дастлаб юқори сифатли маҳсулот етказиб берадиган бу машиналарнинг пишлоқ,сузма, қаймоқ тайёрлайдиган турлари ўрганилди.

СУРАТЛАРДА: 1. Технолог Марина Чёрная ва лаборант Роза Рамазонова кичик хўжаликда тайёрланган маҳсулот сифатини текширишянти. 2. «Малик» давлат хўжалиги директори Амир Раҳмонов завод лаборанти билан маҳсулот турларини кўпайтириш хусусида маслаҳатлашянти.

Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ШАҲРИХОНЛИК МУЛКДОР

Бир неча йилдан буён фермерлик фаолиятини дадил давом эттириб келаётган шаҳрихонлик Низомиддин Мирзааҳмедов «Сардор» жамоа хўжалиги чорвачилик фермасини ким ошди савдосида 9 миллион сўмга сотиб олди.

368 бош қорамоли бор чорвачилик фермаси жамоаники эди, бугун хусусийлашди. Тадбиркорнинг мулки бўлиб қолди. Ишда ўзгариш бўлдими?

Албатта! У дастлабки кунларданоқ ишга астойдил киришди. Тартиб-интизомга риоя этди. Бошқалардан ҳам шуни талаб қилди. Чорвачилик фермаси озуқа базасини мустаҳкамлади. Ем-хашак тежалди. Чорвадорлар сони ўзгармасада ишдаги натижалар илгарилади. Кунига соғин сигирлардан олинаётган сут 150-200 килограммга кўпайди. Бу — бараканинг бошланиши.

Хусусийлашган фермада ишловчиларнинг меҳнати қадрланяпти. Бир неча ойдан буён маош олмаётган чорвадорларнинг қўли пул кўрди.

Мулкдор бошқалар ҳам баҳраманд бўлсин деб, «Сарой» қишлоғида гузар қурдирди. Бу ерда музқаймоқдан тортиб, янги сут дўконларигача бор.

Ферма эгаси Низомиддин Мирзааҳмедовнинг режалари бир олам. Дастлаб сутни қайта ишловчи цех барпо этишни чўтлаб турибди. Ана шунда кўрасиз, даромадга даромад қўшилишини!

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ» БОЗОРИ

Оҳангарон шаҳар меҳнат биржасига ўтган йили иш излаб 400 киши мурожаат қилган бўлса, улардан 210 нафари доимий иш билан таъминланди. Яна 12 киши «Моҳитобон» хусусий фирмасида тикувчилик касбини эгаллади. Шаҳар бандлик хизмати эса режалаштирган 248 ўрнига 331 иш жойи ташкил этди. Бу — шаҳар фуқароларининг барчаси ижтимоий меҳнатга тортилади, дегани эмас. Ҳали иш сўраб мурожаат этмаганлар ҳам топилади.

Яқинда «Бўш иш ўринлари» бозори шу мақсадда уюштирилгани айни муддао бўлди. Бу тадбирдан анча олдин шаҳардаги барча маҳаллалар оқсоқоллари хабардор қилинди.

Бозорда барча корхона, ташкилот вакиллари, тегишли тавсия, маслаҳат берувчи ҳуқуқшунослардан ташқари иш изловчилар ҳамда касб ўрганишни хоҳловчилар иштирок этдилар.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«БУХОРОТЕКС»ДА ЯНГИ ЛИНИЯ

«Бухоротекс» ҳиссадорлик бирлашмаси маҳсулотларига хорижда ҳам талаб катта. Бунинг боиси бор, албатта. Бирлашма хориж фирмалари билан алоқани янада мустаҳкамламоқда.

Яқинда бирлашманинг пардозлаш фабрикасида Германиянинг «Рамеш кляйне веферс» фирмасида тайёрланган «Раколжет» линияси монтаж қилина бошланди. Унинг қулай ҳамда фойдали томонлари анчагина. Жумладан, газламани пишитиш ва оҳорлаш ишлари бир вақтнинг ўзида бажарилади. Бу билан иш вақти тежалибгина қолмай, балки самарадорлик анча юқори бўлади. Энг асосийси янги дастгоҳда бир кеча-кундузда 70 минг метр газлама оҳорланади. Бу эски дастгоҳ иш унумига қараганда икки ҳисса кўпдир.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан

ЕТТИ ПУШТНИНГ ТОЗАЛИГИ

ёки Амир Темур сиёсатида ва ҳозирги даврдаги инсон экологияси

Амир Темур тарихан қалтис вазиятда сиёсат майдонига кирди. Ўттиз тўрт-ўттиз беш ёшли навқирон саркарда Моваро-ун-наҳр тахтини расман 1370 йили қўлга олди. Бу музаффарият Балхда юз берди. Шу даврдан бошлаб у юртида катта ободонлаштириш, боғ-роғлар барпо этиш, кўркам биноларни қуришни давлат сиёсатида биринчи ўринга қўйди. Шундай буюк империяни тузиб, уни сақлаб туришда соҳибқиронинг мўғуллар авлодидан бўлган малика Сарой Мулкхонимга уйланиши, Самарқанддан туриб юртни бошқариш имконини унга яратиб бериб, ўзи жангларда эркин юриши Амир Темурнинг давлат сиёсатида ўта доно киши эканлигидан далолат беради. Чунки, Чингизхон авлодидан бўлган Сарой Мулкхоним пойтахтда ўтирганида, қайси бир Чингиз авлоди Самарқандга ҳужум қила оларди.

Амир Темур наслни тоза сақламоқликни, унинг доимо соғломлиги, баркамоллигини давлат сиёсати олдида турган катта вазифалардан бири деб ҳисоблаган. Худди шундай, ҳозирги давримизда Президентимиз томонидан «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, уни амалга ошириш йўлида бир неча дастурларнинг ишлаб чиқилиши давлатимиз сиёсатида инсон экологияси энг долзарб муаммо эканлигини кўрсатиб турибди.

Халқимизда «Палаги тоза одам» деган нақл бор. Одамлар қиз бериб, қиз олганда ота-онаси, авлод аждодини, бирор наслий касаллиги йўқ эканлигини сўраб-суриштирганлар. Булар ирсият нуқтаи назаридан икки ёшнинг ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарурдир.

Соҳибқирон Амир Темур «Ўғитлар»ида шундай ёзади: «Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим, хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, обод-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан бирга қусурлардан ҳам холи бўлсагина эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин туширдим».

«Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб хотинларига яқинлашишини маън этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд, насл-насабнинг бузилишига таъсир этган дебон шу покиза йўлни тутдим».

Биз табиат ато этган жаннатмакон ўлкамизнинг ҳар бир қарич ерини, тупроғини қадрлаб, ер билан одамлар ўртасидаги меҳрни тиклайлик. Табиат инъом этган юксак онг, ақл шууримизни ишга солиб, Она замин олдидаги фарзандлик бурчимизни сидқидилдан ўтайлик.

Инсон экологияси нафақат ҳозирги давримизда, балки ўтган даврда ҳам давлат сиёсатининг асосий масалаларидан ҳисобланганлигини соҳибқирон Амир Темур мисолида кўрдик. Жаҳонга таниқли, улуғвор тарихий шахс Амир Темур инсон экологияси бобидаги сиёсатида кишиларни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга ундаб, ўтмишда юз берган қирғинлардан сақланишдан, тинчликнинг, ориятнинг, инсоннинг қадрига етишга даъват этади. Ҳолбуки, биз тарихимизни жуда саёз биламиз. Ўтмиш эртанги куннинг дарслиги. Дарс эса ҳамиша ибрат йўлига бошлайди.

Тошпўлат ШИРИНҚУЛОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги.
Акром ИСМОИЛОВ,
Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институти доценти.

Бу ҳаммаси эмас

ҚУРИЛИШ БОШЛАНДИ-Ю, ТАШЛАНДИ

Навоий вилоятининг Конимех тумани ҳудудидаги «Қароқ ота» жамоа хўжалиги шимолий кенглигидаги иссиқ сув ҳавзаси гавжум қадамжолардан саналади. Қадамжо, дейишимизнинг боиси, бу ерга ҳар йили кўплаб беморлар, хаста кўнгиллар келишади. У Қизилқум бағридан бурғулаш ёрдамида топилган, 40-45 даражали шифобахш иссиқ сув. Чорак асрдан ошдики, сарҳадсиз сахро оралигидаги бу ҳавза Навоий — Зарафшон магистраль йўлининг шундоққина ёнида бўлгани учун ҳам келиб - кетувчиларнинг кети узилмайди.

Бу қадар гавжум бўлган ушбу маскан шу кун талабига жавоб берадими? Шифобахш сув ҳавзаси обод, кўркамми? У ерда ошхона, чойхона, олисдан келганлар учун ётоқхона мавжудми?! Афсуски, бу ҳақда елка қисишдан нарига ўтолмаймиз. Эътиборсизлик, лоқайдлик туфайли иссиқ сув ҳавзаси қаровсиз харобага айланган. Бундан 20-25 йил муқаддам ётқизилган сув қувурлари аллақачон занглаб, тешилиб кетган. Натижада ҳавзанинг санитария ҳолати бузилган, Айни пайтда бу маскандан даво у ёқда турсин, бирор-бир юқумли касалликни юқтириш ҳеч гап эмас.

Рўзномамиз аралашуви, бир неча бор танқидий чиқишлар туфайли биз бу ердаги сувнинг таркиби, унинг шифобахш хусусиятлари бот-бот ёзган ва уларга тегишли жавоблар олинган эди. Ҳатто Тошкентдаги саломатликни тиклаш институти олимлари фикрини ҳам обдон урганган эдик. Танқидий чиқишларга жавобан иссиқ сув ҳавзасида 132 ўринли соғломлаштириш маркази қурилишига киришилганди. Мана, икки йилдирки, туя ғўшти еган бу марказ қурилиши резинкадек чўзилиб кетди. Ушбу қурилиш учун маблағ ажратишни вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси мутасаддилари ўз зиммаларига олишганди. Ижрочи пудратчилар эса Конимехдаги 222-кўчма механизациялашган жамланма (бошқарувчиси Тўхтаган Юсуфбеков) қурувчиларидир. Афсуски, қурилиш бошланди-ю, маблағсиз, яна уз ҳолига ташланди.

— Бу қурилиш учун камида 8-10 миллион сўм лозим, — дейди иссиқ сув ҳавзасидаги бўлажак саломатлик маркази қурувчилар бригадаси бош прораби Хўжаахмед Наршабоев. — Ўтган йили 28 нафар қурувчини бугун гишт, эртага цемент, индинга бетон плита келади, деб алдаб юрдим. Чунки чўл шароитида қурилиш материаллари анқонинг уруғи эди. Натижада қурувчиларимизнинг икки-уч ойлаб беиш юришига тўғри келди. Оқибатда қурилиш чалалигича қолиб кетаверди...

Ҳа, вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармасидаги мутасаддилар ушбу қурилиш маблағи хусусида жиддий бош қотирмоқлари зарур. Чунки 1996 йилда ҳам ушбу марказ қурилишига бўлтургидек 550-600 минг сўм атрофида пул ажратиладиган бўлса, аҳвол бундан бешбаттар бўлиши аниқ. Шу ўринда «Навоий автойўл» ҳиссадорлик бирлашмаси рахбарларига ҳам жиддий эътирозимиз бор. Ахир, иссиқ сув ҳавзаси, унинг ободончилиги шу бирлашма тасарруфидаку!?

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясида юртбошимиз Ислом Каримов ўзибўларчилик, масъулиятсизлик, боқибеғамлик сингари салбий ҳолатларни кескин танқид қилди. Отангга бор, онангга бор, қабилида иш тутаётганларга нисбатан муросасиз бўлишликни қайта-қайта таъкидлади. Бундан ҳамма тегишли хулоса чиқариб олмоги, ишда кескин бурилиш ясамоги лозим. Акс ҳолда юқоридаги сингари чала ишлар, чала қурилишлар кўпайгандан кўпаяверади.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мулоҳаза

ЯХШИ МУҲАНДИСЛАР НЕГА КАМ?

Яқин-яқингача ўқитувчи — ҳар биримизнинг қўлимизга илк бор қалам тутқазган устознинг обрўси негадир тушиб кетгани ҳақида бор овоз билан ташвишланиб, хўб ёзилди. Айниқса, атоқли ёзувчи Чингиз Айтматовнинг «Одамгарчилик... етишмаяпти» деган публицистик мақоласини ўқиганимдаги ҳаяжон ҳали-ҳали эсимда. Унда ёзувчи бунинг сабабларини ахтариб шундай фикрга келади. Туб сабаби, унинг айтишича, кишиларда маънавий бойлик ўрнини аста-секин моддий бойлик эгаллаганида экан! Мол-дунёга ҳирс қўйиш бу шарафли касбни кейинги ўринларга суриб юборган. Ҳолбуки, урушдан кейинги йилларда ўқитувчилик касби кўзга тутиё қилиб сурса арзийдиган, мўътабар касб бўлган. Кўп кишилар буни яхши билишади. Баъзи бир ўқитувчиларнинг ўз касбидан кўнгли совиб, мол-дунёга рўжу қўйиши бу муқаддас касбни ўз ўқувчилари кўзи олдида бебурд қилиб қўяёзди. Яхшиямки, юртбошимиз ва ҳукуматимиз буни ўз вақтида пайқаб, ўқитувчи касбининг обрўсини кўтариш учун бутун чора-тадбирларни кўрди, уни кишининг ҳавасини келтирадиган касбга айлантирди.

«Нега ҳозир яхши муҳандислар кам?» деб савол берганимда мен мана шу фикрларни қайта-қайта ўйладим, мағзини чақдим.

Бир лаҳза ўзингиз ўйлаб кўринг: космик кемаларни ва аппарат, рақамли программа ва радио билан бошқариладиган дастгоҳларни, электрон-ҳисоблаш машиналари-ю компьютерларни, қўйингчи видеомагнитофондан тортиб гугурт қутисидек келадиган рангли телевизорларни кимлар яратяпти? Муҳандислар, қобилиятли конструкторлар эмасми?

Яқинда суҳбатлардан бирида ҳамманинг фикрига қўшилиб, бўлар-бўлмасга уни маъқуллайверадиган, қўлидан иш келмайдиган муҳандис эмас, ўз мустақил фикрига эга муҳандис кадрлар керак, деган яхши бир гап айтилди. Ҳозирги даврнинг талаби ҳам шу! Шу сабабли бўлса керак, масалан, Тошкент «Технолог» бирлашмасида муҳандис-техник ходимларнинг лаёқати, савияси ва ҳақиқий ижодкорлигини аниқлаш учун ҳар уч йилда уларни аттестациядан ўтказиб туришган. Бу фақат муҳандис-техник ходимларга эмас, раҳбар ходимларга ҳам тааллуқли!

Хуллас, бозор иқтисодиётига ўтиш даври бу ишни тезлаштиришни олға сураётган экан, ўз-ўзидан бу муҳандис-техник ходимлар меҳнатига муносабатни ўзгартиришни, уни обрўли ва ҳавас қилгудек касбга айлантиришни тақозо этяпти. Гап, айниқса, ҳозир бевосита ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган муҳандис-техник ходимлар меҳнатини қадрлаш ҳақида боряпти. Чунки улар бевосита жойларда фан-техника тараққиётини ривожлантирадилар, иқтисодий ислоҳотларнинг тезроқ рўёбга чиқишига кўмаклашадилар, жонсиз лойиҳаларни «жонли машина»ларга айлантирадилар.

Муҳандис меҳнати обрўсини кўтаришнинг икки йўли бор. Биринчиси, унинг категориясига қараб тўланадиган ҳақни ошириш, иккинчиси иш самарадорлиги, сўнгги натижага қараб унинг иш ҳақини кўтариш, айниқса, янги техника ва технологияни ишлаб чиқишда бевосита банд бўлган муҳандисларнинг иш ҳақини анча кўтариш зарур. Айни пайтда ўз устида ишламай қўйган, бўш муҳандис-техник ходимнинг иш ҳақи ҳам пасайтирилиши табиий ҳол. Демак, аввалги психология бутунлай ўзгартирилади: штатдаги ходимлар сонини корхона раҳбари лозим топса ўзгартириши мумкин, муҳандис-техник ходимлар миқдори ҳам, малака категориясига қараб уларни танлаш ҳуқуқи ҳам корхона, цех, участка раҳбарларининг ўзларида! Бундан баъзи раҳбарлар ғаразли мақсадларда фойдаланишлари, зўр муҳандисни ёмонга чиқариши мумкин-ку, деб ўйлашлари ҳам табиий. Бунинг олдини олиш учун ҳам аттестация комиссияси таркибига касаба уюшмаси ва жамоат ташкилотларининг вакиллари албатта киритилиши шарт. Уларнинг розилигисиз биронта ҳам ходимнинг иш жойи қисқартирилиши, ойлиги камайтирилиши мумкин эмас.

Бозор иқтисодиёти эскича фикрлашга барҳам беришни талаб этади. Ҳозир қуруқ даъватлар ва шиорлар билан иш битмайди. Ҳамма муаммоларни ижодий фикрловчи, ташкилотчи, тадбиркор кишилар, миллий муҳандис-техник кадрлар, конструкторлар ҳал этади. Шунинг учун ҳам улар меҳнатининг обрўси қанчалик оширилса, кўзланган мақсадга шунчалик тез эришилади. Бу эса яна бир марта ҳар бир кишининг ўз қилаётган иши ва ички имкониятига танқидий назар солишини, юртбошимиз қўйган янгича талаблар шароитида ишлай олишга қанчалик тайёр эканлигини синчиклаб кузатишни тақозо этади!

Ҳамид ИКРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» газетаси иқтисодиёт бўлимининг мудири.

СОВҒАГА-ҒИЛАМ ПОЁНДОЗ

—Хўжалигимизга мулкчилик шакллари кириб келаётгани айни муддао. Ҳозирги пайтда ўндан зиёд деҳқон (фермер), тўртта чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги икки кичик корхона, темирчилик цехи, бешта хусусий дўкон ишлаб турибди. Уларнинг ҳаммаси дунё бозорига чиқиш ҳуқуқини берадиган давлат ҳужжатларига эга, — дейди Бекобод туманидаги «Ғалаба» жамоа хўжалигида яшовчи партиямиз фаоли Бегмон Назарқулов.

Дарвоқе, ўтган даврда хўжалик партия ташкилотидаги аъзолар сони 71 нафар кишига етди...

Бекобод туманида уста пахтакорлиги билан танилган Бегмон ака Назарқуловнинг кўнглига тугиб қўйган гаплари кўп. Энг муҳими, партия ташкилоти сон ва сифат, ғоявий жиҳатдан ўсганлиги, хўжаликда ислоҳотларни амалга ошириш учун соғлом муҳит яратилганлигидир.

Яқинда Б. Назарқулов ЎзХДП вилоят кенгаши эсдалик совғаси-ғилам поёндоз билан тақдирланди.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ПЕНСУ» «ФАНТА»ДАН ҚОЛИШМАЙДИ

«АНДИЖОНПИВО» ҳиссадорлик жамияти янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. «Пенсу» деб номланган салқин ичимлик андижонликларнинг янги йил дастурхонини безади.

Ҳиссадорлик жамияти цехларида Болгария-Германия технологияси асосида салқин ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда. Т.. Назиров, Т. Ясинова, А. Абдуллаева, Д. Ҳамроқулова сингари ишчиларнинг ғайрати билан қисқа муддатда 2 минг деколитр «Пенсу» салқин ичимлиги кичик шиша идишларга қуйилиб, савдо шахобчаларига чиқарилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қўллар сеҳри.

ҚИШЛОҚ ИСТИҚБОЛИ

РОМИТАН. (мухбиримиздан). Туман ҳокимлиги билан ХДП туман кенгаши ўзаро ҳамкорликда «Соғлом авлод учун» тадбирига алоҳида аҳамият беришмоқда. Хусусан, марказий шифохонада аёллар учун махсус бўлим очилиши ҳам ана шундай тадбирлар сирасига киради. Бу ерда бир йўла 25 нафар камқон она даволаниб, саломатлигини тиклаши мумкин.

Даврон БАҲРОНОВ.

ХЎЖАЙЛИ (мухбиримиздан). «Тошкент» деҳқон-фермер хўжалиги туман марказидан 45 километр олисда жойлашган. Деҳқонлар ўзлари етиштирган маҳсулотларини сотиш ҳамда керакли бўлган молларни харид қилиш учун Хўжайли ёки Шуманай деҳқон бозорларига боришга мажбур бўлардилар. Ваҳолонки, хўжаликда 6 мингдан кўпроқ аҳоли яшайди. Шу боис, хўжалик марказида деҳқон бозорини очилиши ўзига хос байрамга айланди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

УЧҚЎРҒОН. Тумандаги ун маҳсулотлари комбинати ҳиссадорлик жамияти қошида «Ғалла банки» филиали очилди. Сотилган маҳсулот учун пул маблағлари вақтида ўтказиб берилмаётгани сабабли 50 та дўкон очишга тўғри келди. Ҳозир савдодан тушаётган маблағ банкка топширилмоқда. 7 та хусусий дўкон билан шартнома тузилган.

Абдулла ЖАЛИЛ.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ДИПЛОМИНГИЗ БОРМИ, ЖАНОБЛАР?

Польшада Бош вазир Олексанинг чет эл разведкаси билан алоқа қилишда айблаш ҳақидаги шов-шув ҳали босилмасдан яна бир қизиқ «иш» пайдо бўлди. Варшава прокуратураси ҳозирги давлат бошлиғи А. Квасьневский, собиқ Президент Л. Валенса ва собиқ Вазирлар Кенгаши Раиси Т. Мазовецкийларнинг қандай маълумотга эга эканлиги тўғрисида тергов бошлади.

Ўтган йили декабрь ойида Александр Квасьневскийнинг олий маълумотга эгами-йўқлиги Олий судда кўриб чиқилганди. Буни сайлов натижаларидан норози бўлган Валенса тарафдорлари «уюштирган» эдилар. Бироқ суд янги Президент расман олий маълумотли бўлмасада, сайловни ноқонуний ҳисоблаш учун бу нарса асос бўла олмайди, деб топди.

Шундан сўнг, кўп вақт ўтмасдан прокуратурага қачонлардир ҳунар-техника билим юртида ўқиган Лех Валенсанинг «бошланғич техник» маълумоти йўқлиги тўғрисида хусусий шахслардан даъво тушди. Дарвоқе, яна бир даъвода кўрсатилишича, Мазовецкий ҳам олий маълумотли эмас. 1990 йилги Президент сайловида уни маълумотли «ҳуқуқшунос» деб тарғиб қилишса-да, амалда у ҳеч қачон юридик факультетини тугатмаган экан.

Маҳаллий қонунларга кўра, расмий ҳужжатларда ёлғон маълумот ёзиш жиноий жавобгарликка тортилиши керак. Бироқ, амалдаги давлат бошлиғини жавобгарликка тортиш фақат мамлакатдаги ҳар икки палатада кўпчилик овоз тўплансагина амалга ошиши мумкин. Эндиликда собиқ раҳбарлар Валенса ва Мазовецкийларнинг «атайлаб» қилган ҳаракатларига бирон бир чора кўриш қийин. Лекин прокуратура томонидан ўтказилган бу текширув бундан буён Польшада айрим сиёсатчи жанобларнинг ахлоққа зид йўллар билан сайловолди тарғиботи ўтказишига чек қўйса ажаб эмас.

ИОСИФ КОБЗОННИ ИСРОИЛГА КИРИТИШМАДИ

Машҳур қўшиқчи Иосиф Кобзон Исроилдаги дўстлари тўйида қатнашиш учун бу ерга хотини билан келганида халқаро аэропортда уни полициячилар ҳибсга олишди. И. Кобзон полициячилардан бунинг сабабини сўраганида, улар ички хавфсизлик вазири топшириғига биноан бу ишни бажараётганликларини айтишди.

Қўшиқчи Россия фуқароси эканлиги, Москвада Исроил элчихонаси томонидан бу давлатга келиб-кетиш ҳақидаги визаси борлигини айтишига қарамай, уни полициячилар аэропортдаги қамоқ камерасида сақлаб туришди. Саккиз соатдан кейин Иосиф Кобзонга Исроилга кириш учун рухсат берилди. Бунга Россия элчиси А. Бовин илтимоси бўйича шахсан ҳукумат бошлиғи Шимон Перес аралашгач, эришилди. Кобзоннинг гапига қараганда, полициячилар уни «рус мафияси билан алоқаси борлиги» учун ушлаб турган эканлар. Унинг таъкидлашича, Исроил полицияси амалда илгари ҳудди шундай асоссиз айб билан АҚШ ҳудудига киритмаган америкалик полициячилар ишини такрорлашган.

ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

МИСР ахборот вазири Сафуат аш-Шариф журналистларга Бош вазир Атеф Нажиб Муҳаммад Сидқий бошчилик қилаётган мамлакат ҳукумати истеъфо берганини маълум қилди. 1986 йилдан буён ҳукумат бошлиғи лавозимини эгаллаб келаётган Сидқий мамлакатда парламент сайлови ўтказилгандан кейин истеъфо берди. Миср Бош вазири ўринбосари ва режалаштириш вазири Камол Аҳмад Ганзурийнинг таъкидлашича, Президент Ҳусний Муборак унга янги ҳукумат таркибини тузишни топширган.

* * *

«ЕВРОПА Кенгаши билан Россия ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ва Россиянинг Европа Кенгашига аъзо бўлиб киришига эришиш мен учун бош вазифа эди. Айтиш мумкинки, ҳозир бу борада ижобий силжишлар кузатилмоқда», деди Европа Кенгаши парламент ассамблеясининг раиси Мигел Анхел Мартинес журналистлар билан суҳбатда. Унинг фикрича, Россиянинг Европа Кенгашига аъзо бўлиб кириши унинг Европа иттифоқига аъзо бўлишида дастлабки босқич бўлади.

* * *

АҚШнинг Мэриленд штатида Сурия билан Исроил ўртасидаги тинчлик музокаралари бошланди. АҚШ давлат департаменти вакили Глайн Дэвис журналистлар билан учрашувда шуни маълум қилди. Унинг таъкидлашича, икки давлат ўртасида ўтган йили ҳам мазкур масалада музокаралар бўлиб ўтган эди. Музокараларнинг иккинчи босқичи уч кун давом этади.

* * *

ИСПАНИЯнинг шимоли-ғарбида жойлашган Галисийдаги Марин бандаргоҳида Панама байроғи остида сузаётган «Волга-1» юк ташувчи кема маҳаллий ҳокимият томонидан ҳибсга олинди. Кема экипажининг аксарият қисми рус денгизчиларидан иборат. Божхона ходимларининг текшируви натижасида кема ичидан катта миқдорда наркотик модда топилган. Махфий юкнинг оғирлиги қарийб 36 тонна. Бундай йирик миқдордаги жиноий «юк»нинг қўлга олиниши нафақат Испания, балки Европа тарихида ҳам учрамаган эди.

* * *

«БУРУНДИ давлатидаги аҳвол шу қадар ёмонлашганки, яқин орада бу ерда фуқаролар уруши бошланиб, қабилалар ўртасида ялпи ҳунрезликлар юз бериши мумкин», дейилади Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзоларига йўллаган мактубида. Унинг таъкидлашича, мазкур мамлакатда босқинчилик ва инсон ҳуқуқлари поймол қилиниши борган сари кескин тус олмоқда.

* * *

ХИТОЙнинг Гуандун вилоятидаги Шэн-чжэнь махсус иқтисодий ҳудудидаги Хитой-Тайван фирмаси биносида кучли ёнғин содир бўлди. Натижада 19 киши ёнғин қурбони бўлиб, 37 киши жароҳатланди. Фирма янги йил совғалари ишлаб чиқарар эди. Ҳалок бўлганларнинг барчаси фирма ходимларидир. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, кўрилган зарар 420 минг юанни ташкил этади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).



Тунисининг кичик даҳаларидаги тор кўчалардан бири.

Шунақаси ҳам бўлади

ҚУЙИБ ҚЎЙГАНДАЙ ЎХШАШ

Бирмингем кўчасидаги тасодифий учрашув икки инглиз аёли ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Бу икки жувон болалар аравачасида ўз ўғилларини сайрга олиб чиқишганди. Аёллар вақтни қисқартириш мақсадида суҳбатлаша туриб, тўсатдан фарзандлари бир-бирига қуйиб қўйгандай ўхшашлигини сезиб, ҳайрон қолишди.

Суҳбат давомида шу нарса аён бўлдики, болаларнинг отаси бир киши, яъни ўша аёллардан бирининг эри, иккинчисининг хуштори экан. Хонимлар бунга изоҳ талаб қилишганида «дайди ота» бор ҳақиқатни айтди-қўйди: у бундан ташқари ҳам шу кўчадаги 8 нафар боланинг отаси экан.

ТУТҚУН ЭР ЯНА НИМА ДЕР?

Италиянинг Сицилия шаҳрида ғаройиб суд жараёнини ўтказиш кутиляпти. Қисқаси, Италия ҳуқуқ тартиботи тарихида биринчи марта ўз эрини қулликда сақлаган аёл одил суд олдида жавоб беради.

Гап шундаки, бундан икки йил аввал йигирма ёшли Соня Парлагрецо исмли қиз турмушга чиқди-ю никоҳнинг эртасига ҳе йўқ, бе йўқ ёш куёвни темир эшикли хонага қамаб қўйди. Бахтсиз эрнинг айтишича, уй ишларини бажариш лозим бўлгандагина хотини уни «ҳибсхона»дан чиқараркан. Бу ҳол 14 ой давом этди. Агар куёв норозилик билдирса, қизнинг акалари уни «тартиб»га чақириб қўйишарди. Бирдан-бир юпанч — борди-ю тутқун эр уй юмушларини яхши бажарса, соҳибжамол Соня уни ўз севгиси билан сийлар экан.

ХЎЖАМ ДЕБ ХУРЖУНИДАН АЙРИЛДИ

Нижний Новгород шаҳрида ёлғиз яшовчи бир кампир ўзига хос «тадбиркорлик» йўлини топди. Яъни, ўз васиятномасини даромад манбаига айлантирди. Шум кампир ёш эр-хотинлар билан тегишли суммани ҳар ойда вафотига қадар олиб туриш эвазига квартирасини васият қилиб қолдиришга келишади. Кампирга ҳар ойда пул бериб турган эр-хотинлар эса қачон уй бизники бўларкин деган орзуда юришади. Бироқ, хонадон соҳибаси уч-тўрт ой ўтар-ўтмас у ёки бу баҳона билан васиятномани йиртиб ташлаб, эр-хотинларни уйга эгалик ҳуқуқидан маҳрум қилади. Қисқаси, «тадбиркор» кампир шу тариқа бир неча оилани алдаб «васиятнома» операциясини амалга ошириб келган. «Текин мулк»ка эга бўлиш ниятида юрган ғўр эр-хотинлар эса хўжам деб хуржунидан айрилиб қолишаверган.

«ХАРИДОР «ҚИРОЛ» БЎЛА ОЛАДИМИ?»

(«Ўзбекистон овози» 1995 йил 21 декабрь)

Акс-садо

ШУНДАЙ КИШИЛАР БОР БИЗДА

Мақолада савдо ходимлари ҳужатбарорликка ундаляпти, ҳатто ўзингизда йўқ нарсани топиб беришга ҳаракат қилинг, одамлар дуосини оласиз, дейилади. Шундай савдо ходимлари бор бизда.

Бундан анча йил илгари бўлиб ўтган воқеа ҳамон эсимда. Иморат қураётган эдик. Ҳисоблаб кўрсак 30-40 та тунука етмайди. Бордию икки кун ичида топиб келмасак, усталар кетиб қолади. Кейинчалик уларни қайтариб олиб келиш амри маҳол. Акамлар билан шаҳардаги барча хўжалиқ моллари дўконлари, бинокорлик материаллари билан савдо қилувчи омборхоналарни айланиб чиқдик. Ҳеч қаерда тунука йўқ. Шунда мени Чорсудаги универмагга бошладилар. «Бу ерда тунука сотилмайди-ку» деб ўйладиму лекин айтишга андиша қилдим. Бу улкан савдо марказининг ўша пайтдаги директори Яҳё Иброҳимовнинг олдига кириб, аҳволни тушунтирдилар. У киши ишини йиғиштириб қўйиб, турли жойларга телефон қилдилар. Ҳамма ердан бир хил жавоб олинди — «йўқ». Охири яна бир урниб кўрайлик-чи, деди-да, қай бир дўстини топди. «Ўзимга зарур бўлиб қолди, оғайнижон, 15 кундан кейин қайтараман» деса бўладими?!

— Мана, ишимиз пишди, худога шукр, — деди у мамнун ҳолда. Акамлар тунука топилгани учун эмас, балки аввало Яҳё аканинг одамийлигига қойил қолиб, ҳаяжон билан дуо қилдилар. Инсон деб мана бундай кишиларга айтилади.

Эл дуосини олган кам бўлмайди, дейди халқимиз. Яҳё ака нафақа ёшигача ўша ерда ишлади. Ҳозир ҳам элга хизмат қиляпти — ўзи яшаётган жойда маҳалла қўмитасининг раиси. Эртаю кеч маҳалладошларининг ҳожатини чиқариш йўлида елиб югурмоқда. Илоё, умри узоқ бўлсин!

Р. НАЗИРБЕКОВ,
нафақахўр.

ДЎКОНДОРЛАРИМИЗ ЎРГАНСИН

«Харидор «қирол» бўла оладими?» сарлавҳали мақолани катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Худди мен ўйлаётган, тилим учида турган гаплар.

Очиғини айтсам, кейинги пайтларда у-бу харид қилиш учун кўчага чиқмай қўйдим. Савдо соҳасидаги бирodарлар мени кечирсину, лекин айримларининг ўзини тутиши, харидорга нисбатан лоқайдлигини кўриб, қон босимим ошиб кетадиган бўлди. Бу юмушларни ўзларинг бажараверларинг, дедим болаларимга.

Халққа хизмат қилишни ният қилган экансан, тирикчилигинг шундан ўтаркан, бас, ишингдан ўзингни ҳам, ўзгаларнинг ҳам кўнгли тўладиган бўлсин. Бир қатор чет мамлакатларда бўлганман. Ана хизмат-у, мана хизмат, биздагилар билан мутлақо таққослаб бўлмайди. Бир сафар кийимкечаклар магазинига кириб, пальтолар илиб қўйилган бўлимда шунчаки қизиқиш билан туриб қолибман. Қаердан келди билмай қолдим, магазин хизматчиси, сизга қандай газмолдан тикилгани, қайси рангдагиси керак, деб сўраб кетса бўладими. Жавоб беришга улгурмасимдан ичкарига югурганича кириб кетди. Омбордан яна ўнтача пальто олиб чиқди. Тоза хижолат бўлдим. Уялганимдан бирини харид қилдим. Аслида эса бундай ниятим йўқ эди. Борди-ю шунча овора қилиб, сўнг ҳеч нарса олмасангиз ҳам норози бўлган нигоҳни кўрмайсиз.

Орадан кўп йиллар ўтди. Лекин шу воқеани ҳали-ҳали бир илиқлик билан эслайман. Айтмоқчиманки, чет давлатларда бўлиб, шу соҳадаги ибратли тажрибаларни кўрганлар газета орқали сўзлаб берсалар. Бу иш эндигина пайдо бўлаётган савдогарларимизга, дўкондорларга нафи тегармиди, деган умиддаман.

Раҳмат ОРИФЖОНОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 8

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ҳафтанома».
8.00 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастурининг давоми.

*

8.30 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Замира Ҳидоятова таваллудининг 85 йиллигига.
9.30 «Қизил Ярим ой шўъласи».
9.50 Шифокор экрани.
10.20 «Гулгунчалар».
10.50 «Жаҳон киноси юлдузлари». Кинокўрсатув.
11.25 Эртаклар — яхшиликка етаклар. «Уддабурон хизматкор». Болалар учун телеспектакль.
12.25 — 13.00 «Янгра, созим». Мусиқий композиция.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
Публицистик кўрсатувлар дастури:
18.10 1. «Ўчмас чироқлар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 2. Биржа хабарлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 3. «Мангулик манзили».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.20 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Саҳна юлдузининг нурли шўъласи».

ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Бизнес-уик».
20.05 «Мусиқий йўл».
20.15 «АРТ-журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Юлдуз механикаси».
21.40 «Видеогид».
22.00 Эълонлар.
22.05 — 23.45 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ўғил, набира, эвара», «Асрий анъаналар». Телефильмлар.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 «Бу ажиб дунё».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультфейерверк».
19.55 «Ўорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.15 «Кинематограф».
21.45 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.45 — 23.45 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

ЧОРШАНБА, 10

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастурининг давоми

*

8.30 «Қувноқ трамвай». Дам олиш дастури.
9.10 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.40 Арча атрофида.
10.30 «Операция «Ы» ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари». Бадиий фильм.
12.00 «Ассалом, япон тили!»
12.40 Ишбилармон. «Имконият излаб».
13.00 — 13.30 «Дилраболар келсалар». Концерт.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида».
18.40 Спорт хабарномаси.
18.50 «Тупроғи зар Ватаним менинг». Қашқадарё вилоят геолог-қидирув экспедицияси иш фаолиятидан.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. «Асрлардан сўйлар бу тупроқ». 2-кўрсатув.
21.25 «Насриддин: экрандаги саргузаштлар». Кинокўрсатув.
22.05 «Хизмат жойи — Ички қўшинлар». Кўрсатув ва концерт.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.40 «Чантраморе». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.

ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Дустим, тулпор».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
21.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.15 — 23.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Таманно». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 «Ҳар соҳадан бир шингил».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Сахалин манзаралари». Телефильм.
20.10 «Ўзинг ҳақингда сўзлаб бер».
20.50 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.25 «Янги иқтисод».
22.00 «Шифокор билан мулоқот».
22.40 «Юлдузлар ёғдуси».
23.10 — 23.40 «Спорт-тайм».

СЕШАНБА, 9

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастурининг давоми.

*

8.30 «Мерос». Нажмиддин Кубро.
9.15 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
9.45 «Янги йилим — яхши йилим». Адабий-мусиқий композиция.
10.15 Немис тили.
10.45 «Бор экан-да, йўқ экан...». Бадиий фильм.
12.10 «Синфдош».
12.40 — 13.10 Ёшлар куйлаганда.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фил полвон оғриб қолди». Мультфильм.
18.20 «Ғаллароллик ғаллакорлар».
18.45 «Шеърият».
18.55 «Бугунги Европа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Турон тулпорлари». Спорт кўрсатуви.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. «Асрлардан сўйлар бу тупроқ». 1-кўрсатув.
21.20 «Қувноқ трамвай». Дам олиш дастури.
22.00 «Қушларга эргашган инсон». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 —00.30 «Ёд этарман». Фотима Баротова.

ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ривоят».
18.20 «Офарин».
18.30 Телефестиваль.
19.00 «RAKS» қўшиқлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Репортаж». О. Муминов дастури.
20.10 «Эртага шанба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Мафтункор чеҳралар».
21.20 «Таманно».
21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.50 — 22.40 «Санта-Барбара». Телевизон бадиий фильм.

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Бир кун ва бир умр». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 «Жонли сайёра».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 Шарҳ.
20.20 «Ёдингдами, дўстим!»
20.40 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
21.10 «Абадий қадриятлар».
21.40 «Алламбало».
22.00 «Манбалар».
22.40 — 24.00 «Янги йил кечасидаги юлдузлар».

ШАНБА, 13

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастурининг давоми.

*

8.30 «Замон».
8.45 «Саҳна ҳаёти, ҳаёт». Ақида Ҳайитова.
9.30 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Ўзбекистоннинг жонли қумушлари», «Туркистон — мусаввирлар маскани».
10.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб...»
11.15 Эстрада қўшиқлари.
11.45 «Қишлоқ стадионларида».
12.05 — 14.05 «Маънавият» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бир чол ёмғир олдига борғани ҳақида». Мультфильм.
18.10 «Сирли сандиқ». Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган телеўйин.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Оқшом эртаклари.
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Барча табрик Сизга бўлсин!» Янги йил байрам дастури.
00.20 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Автосалон».
9.45 «Сизнинг услуб».
10.00 «Палитра».
10.30 «Видеогид».
10.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.15 — 12.55 «Кинонигоҳ».

***

18.00 «Мультфейерверк».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Олам». Маърифий кўрсатув.
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Ишингиз бароридан келсин!»
20.00 Шарқ тароналари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Имкон чўққилари».
21.15 «Кўнгил». Д. Шамс кўрсатуви.
21.55 Эълонлар.
22.00 — 23.40 Видео — «О».

ЎзТВ III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Тошкент тароналари». Фильм-концерт.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.55 «Эсдалик учун дастхат».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Ўн икки ой». Мультфильм.
11.00 «Ўзбекистон — умумий уйимиз».
12.00 «Сахий хонадонда».
12.40 «Дарвоқе».
13.20 «Золушка». Бадиий фильм.
14.30 — 15.05 «Фақат Сиз учун». Фильм-концерт.

* * *

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.00 «Менинг қўчам».
20.15 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
20.45 «Телеташриф».
21.15 «Бугунги Европа».
21.35 «Олам ва одам».
22.10 «Монитор»-«Осиё».
22.50 «Янги йил бали».
23.50 — 01.00 «Кинематограф».

ЯКШАНБА, 14

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ
ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастурининг давоми.

*

8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ижодкор портретига чизгилар». Кинорежиссёр Ф. Давлетшин.
11.30 Диққат, премьера: «Қушиғимда яшар муҳаббат». Фильм-концерт.
11.50 «Сирли сандиқ». Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган телеўйин.
12.55 «Ватан сарҳадларида».
13.25 — 15.25 «Болалигим — пошшолигим». Кичкинтойлар учун видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мозаика». Мультфильм.
18.10 «Ибратли умр». Ўзбекистон халқ артисти Манзура Ҳамидова.
19.00 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Ўткан кунлар»: асарнинг иккинчи умри». Кинокўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Бахт қулиб боққанда». Кинокомедия.
22.30 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 — 01.00 «Ёшлик» студияси. «Ўхшаш чеҳралар».

ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 «Ривоят».
9.05 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
9.50 «Ишингиз бароридан келсин!»
10.10 «Олам». Маърифий кўрсатув.
11.00 «Мафтункор чеҳралар».
11.20 «Имкон чўққилари».
11.40 «Кўнгил».
12.20 «RAKS» қўшиқлари.
12.50 — 14.30 «Кинонигоҳ».

***

18.00 Келгуси ҳафтада.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Совға».
18.30 «Оҳанглар оғушида».
18.40 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Дармоа».
20.05 Юлдузлар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Шеърият».
21.10 «Шахс ва баҳс».
21.30 «Даракчи».
21.40 Видео янгиликлари.
21.55 Эълонлар.
22.00 — 23.40 Видео — «О».

ЎзТВ III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Шарқнинг етти гўзали». Фильм-концерт.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 22.50

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
/22.50 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 «Панорама» (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.15 «Менинг қўчам».
12.30 «Жонли сайёра».
12.50 «Туризм-ревю».
13.30 — 14.35 «Севгилим учун учта лимон». Бадиий телефильм.

* * *

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
20.30 «Кинематограф».
22.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.00 «Қиймат ва қиммат».
23.35 «Кимга қанақа?».
00.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
00.15 «Бу ажиб дунё».
00.35 — 00.45 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

ИМЭКС консалтинг фирмаси

- Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналарни, шу жумладан қўшма корхоналарни рўйхатдан ўтказиш.
- Таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш.
- Ҳужжатлар мажмуини ишлаб чиқиш ва экспорт-импорт операцияларини ўтказиш учун Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан ўтказиш.

Бизнинг телефонлар: (3712) 53-32-75, 54-20-15 (соат 18 гача).
Манзил: Тошкент, Генерал Каримов кўчаси, 46-уй.

ТАШКИЛОТ
пул ўтказиш йўли билан 50 кг ва 15 кг полипропилен ун қопларини ҳамда IBM 486 ДХ2 —66—350/S VGA компьютерларини сотади.
Телефонлар: 67-77-41 67-23-74.

ФИРМА «COTTON CARGO TERMINAL»
Пахта экспорти учун омборхоналар
ТАКЛИФ ЭТАДИ.
— очиқ божхона омборларида қабул қилиш ва тахлаш;
— навларга ажратиш, сертификатлаш;
— транспорт — экспедиторлик хизмати;
— Оврўпанинг барча нуқтасига етказиб бериш, ҳамкорлар излаш.
ЛИТВА, ИОНАВА шаҳри. тел/факс (8-01219) 52438.

CUKURS-BIZNESS
ЦУКУРС-БИЗНЕС
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:
Бизнинг шакар етказиб бериш шартномамизга ҳиссадор бўлсангиз, **сиз ҳар ойда 20 фоиздан 27 фоизгача фойда олишингиз мумкин.**
1000 сўмингиз бир ой ичидаёқ 1200 сўмга кўпаяди.
Ҳар бирингиз биз билан ҳамкорликда маблағ ишлаб топишингиз мумкин.
Бунинг учун фақат кўнгирогингиз кифоя!
Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Ниязбек йўли (аввалги Урицкий) кўчаси, 6-уй, 101-хона. Телефонлар: (3712), 34-00-98, 34-05-07

ЎЗБАТ ҚЎШМА КОРХОНАСИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
Ўзбек-Британия қўшма корхонаси ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
ВАТ

ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти учун энг катта инвесторлардан биридир.
Биронта бошқа саноат компанияси ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти даражасида ишчиларига ғамхўрлик кўрсатмайди.
Биз мутахассисларимиз касби ва маҳоратини оширишига катта имконият ва шароитлар яратиб берамиз. Биз учун бизнесга сармоя жалб этиш — бу сармояни ўз ишини яхши биладиган одамларга сарф этишдир.
ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида йирик инвестиция компаниясидир.
ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти Марказий Осиёда тамаки ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг илғор даражага эришишни ўзига мақсад қилиб олган.
ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти бўш лавозимларни эгаллашга ва ёши 40 дан ошмаган ишчиларни Тошкент тамаки фабрикасига, Ургут ферментация заводига ҳамда яқинда қурилиши бошланадиган Самарқанд сигарет фабрикасига қабул қилиш бўйича танлов эълон қилади:

- **муҳандис-механик;**
- **муҳандис-электроник;**
- **техника ҳимоясини муҳандиси;**
- **ишлаб чиқариш участкаси устаси;**
- **электрик-муҳандис;**
- **технолог-муҳандис;**
- **ишлаб чиқариш бўйича менежер**

Компьютерда ишлаш тажрибаси ва уч йилдан кўп меҳнат стажи эгалари ишга олинишда қўшимча имкониятларга эга бўлади.
Инглиз тилини билиш шарт эмас, аммо билса яхши бўларди. Компанияга садоқатлигингиз нафақат яхши ойлик, шунингдек, янги системалар асосида ўқиш, малака ошириш ва махсус курсларда инглиз тилини ўрганиш имкониятлари билан рағбатлантирилади.

Сўровномани тўлдириш учун уни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:
— Тошкент шаҳри, Носиров кўчаси, 77. Тошкент тамаки фабрикаси.
— Самарқанд шаҳри, А. Рудакий кўчаси, 150. Самарқанд тамаки-ферментация заводи.
— Ургут шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 10. Ургут тамаки-ферментация заводи.
Танлов асосида биринчи босқичдан ўтганлар сўровномани топширгандан сўнг бир ой ичида суҳбатга таклиф қилинади.
ЎЗБАТ қўшма корхонаси билан биргаликда муваффақиятга эришишда сиз катта имкониятларга эга бўласиз.

ФАРЗАНДЛАР ТУҒИЛИШИ ЎРТАСИДАГИ ОРАЛИҚҚА РИОЯ ЭТИШ УЧУН ХАВФСИЗ ВА САМАРАЛИ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ХОҲЛОВЧИ ОИЛАЛАР УЧУН.

Қуйидаги компаниялар "Қизил олма" рамзи бўлган дорихоналарда сотилаетган замонавий контрацептивлар (исталмаган ҳомиланинг олдини олиш воситалари) мавжудлигини таъминладилар.
"**Д[illegible] дармон**" Тошкент М. Мирзаўлатов кўчаси [illegible] А.Тел. 48-27-74 42-33-81
"**Ўзбекистон-Иверсон ЛТД**" Тошкент, Фурқат кўчаси, 1 Тел. 45-12-49
"**Фармед**", 700132, Тошкент Ибрат кўчаси, 1. Тел. 47-98-90, 47-98-94
"**Жўрабек**" Тошкент Олмазор даҳаси 165 Тел 45-60-40,45-41-46
"Қизил олма" дастури бўйича маҳсулотларнинг мавжудлиги ҳақидаги бундан кейинги ахборотларни олиш учун қуйидаги телефонлар бўйича кўнгирок килинг: "**Шерин**", Тошкент С. Азимов кучаси 65 Тел 36-34-24, 33-37-30
"**Апджон**" Тел.: 35-45-18
"**Эджаджибаши**" Тел 78-56-51
"**Органон**" Тел 46-74-05
Батафсил ахборотларни олиш учун номлари юкорида келтирилган фармацевтика компанияларига ёки "Кизил олма" дастури офисига:
78-41-43 телефони бўйича кўнгирок килинг.

КОНТРАЦЕПЦИЯ (ИСТАЛМАГАН ҲОМИЛАНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ) ВОСИТАЛАРИ - БУТУН ЖАҲОНДАГИ МИЛЛИОНЛАБ АЁЛЛАР УЛАРГА ИШОНАДИЛАР.

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"
ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛОРУСЬ ҚЎШМА КОРХОНАСИ
сўмда пул ўтказиш йўли билан
Тошкентдаги омбордан
турли модификацияли
МАЗ туркумидаги автомобилларни, ***МТЗ*** экскаваторлари ва тракторларини, автомобиллар ва тракторлар учун бошланғич бутликдаги: ***Д-243, Д-245, ЯМЗ-238-2М*** двигателларини ва уларнинг ёнилғи қурилмаларини
СОТАДИ.
Нархлари завод баҳосидан арзон.
Манзил: Тошкент, Нукус кўчаси, 3-уй, Ш.Руставели кўчаси, 140-уй.
Алоқа учун телефонлар:
(3712) 54-94-11, 54-88-11, 54-99-11,54-62-43, 54-62-09, 50-45-95, 50-59-18, 50-88-13.
"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС" — ҳамкорликка чорлайди!

Барот БОЙҚОБИЛОВ

БУ ДУНЁГА КЕЛДИМ МАНО

(Яссавийона)

Бу дунёга келдим мано,
Ҳақ йўлида елдим мано.
Ҳаёт ғаму шодлик экан,
Йиғлай-йиғлай, кулдим мано.

Одам зоти сирли экан,
Кўнгли тоза, кирли экан,
Бир хил эмас- турли экан.
Ҳайрат босиб турдим мано.

Дунё кенгу ҳам тор экан.
Эшиги йўқ бозор экан.
Ким азизу ким хор экан.
Букилмасдан синдим мано.

Боқмаганда менга замон,
Мен замонга боқдим ҳайрон.
Кўзимда мунг, дилда армон.
Адолатни кутдим мано.

Ёрдан ўзга кўнглим билмас,
Шодлигиму мунгим билмас,
Қандай ўтар куним билмас,
Нажот кутдим, елдин мано.

Дўст деганим душман чиқди,
Ҳасад чўпин кўзга тиқди.
Оёғимдан олиб йиқди,
Бағрим тиғсиз тилдим мано,

Кўп нарсага сабр этдим,
Ҳар кунимни қадр этдим.
Гоҳ жонимга жабр этдим,
Арқон қилдим қилдин мано.

Ўзгани деб ўздан кечдим,
Гоҳо қору муздан кечдим,
Ризқи-рўзу туздан кечдим,
Кам бўлмай, бут бўлдим мано.

Фақирларга айлаб карам,
Ҳамдард бўлдим чекса алам,
Ярасига излаб малҳам,
Даво топдим элдин мано.

Дўстни ўздан кам кўрмадим,
Мендан баланд дам кўрмадим,
Вафо бошин хам кўрмадим,
Аҳд қасрини қурдим мано.

Сайёҳ бўлиб кўп йўл юрдим,
Жаҳонда кўп эл-юрт кўрдим.
Қиёс топмай, кўп ўй сурдим,
Оқ тулпорга миндим мано.

Кўп тарихни варақладим,
Ҳар саҳфасин ардоқладим,
Аждодимни сўроқладим,
Ундан сабоқ олдим мано.

Тарих — одил ҳакам экан,
Бағри хуну алам экан,
Қўлда қилич, қалам экан,.
Ўйга ботиб қолдим мано.

Назмга бахш этиб умрим,
Хиралашди кўзда нурим,
Зорим бору йўқдир зўрим,
Кўнгил ишин қилдим мано,

Дил амрини зикр қилдим,
Дардим ичга ютдим мано.

Парвардигор хилқатиман,
Расулуллоҳ умматиман,
Аҳли айём улфатиман,
Муслим бўлдим дилдин мано.

Ёшим ўтиб, қариганда,
Ибодатни этмай канда,
Худойимга бўлдим банда,
Савоб излаб елдим мано.

Умр йўлин босиб ўтдим,
Гоҳ асалу заққум ютдим,
Элдан қочиб узлат тутдим,
Сокин ғорга кирдим мано..

Қадам қўйиб тарийқатга,
Етдим аҳли ҳақиқатга,
Муршиддаги фазилатга,
Ҳавас қилиб ўтдим мано,

Ҳадисларнинг мағзин чақдим,
Ҳикмат шамъин дилга ёқдим,
Ўзлигимга қайта боқдим,
Гуноҳимни ювдим мано.

Донолардан топсам ҳамроҳ,
Йўлдан урмак бўлди гумроҳ,
Аҳли фитна қазиди чоҳ,
Нокаслардан қуйдим мано.

Тўғри сўзлаб бўлдим ёмон,
Эгри сўзлаб топмадим нон,
Одил бўлиб кўрдим зиён,
Бошим дорга илдим мано.

Элу юрт деб куйиб-ёндим,
Пок меҳрига тўйиб-қондим,
Ундан кучу қудрат олдим,
Пойига бош урдим мано.

Умид билан яшаб мудом,
Олга елдим ҳар субҳи шом,
Йўлдош бўлди аҳли киром,
Адашмадим йўлдин мано,

Умрим ўтди хоксорликда,
Аҳли дилга ғамхорликда,
Шеър ишқида бедорликда,
Боғ яратдим чўлдин мано,

Тутқун эдим — озод бўлдим,
Хароб эдим — обод бўлдим,
Маҳзун эдим—дилшод бўлдим,
Офтоб каби кулдим мано,

Йўқолдию мустабидлик,
Насиб этди Мустақиллик,
Элу юртда муттафиқлик[1],
Султон бўлдим қулдин мано.

---

1. *Муттафиқ — бирлашган, иттифоқдош, дўст, ҳамфикр.*

ДИҚҚАТ, ЭЪТИБОР!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки эркин муомаладаги валютада янги омонат турларини **ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

Валюта омонатлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида доимий равишда истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан ҳам очилиши мумкин.

"Талаб қилиб олинадиган" омонатларга йилига 2 фоиз, муддати камида 1 йил бўлган "муддатли" омонатларга эса 4 фоиз миқдорида эркин муомаладаги валютада даромад тўланади.
"Талаб қилиб олинадиган" омонатга камида 200 АҚШ долларига тенг миқдорда эркин муомаладаги валюта қўйиш ёки нақд пулсиз ўтказиш кифоя.

Тўлиқ маълумотларни Халқ банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 45-35-41, 33-51-95.

Халқ банки Сизнинг хизматингизда!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ

"Азия-Мост" фирмаси

пул ўтказиш йўли билан Тошкент шаҳридаги омбордан Т-4А, қишлоқ хўжалиги тракторлари ва Т-4АП2 (Олтой) бульдозерларини сотади. Тел: 78-44-97.



Ҳурматли жаноблар !

Ўзбекистон бозоридаги расмий дилер

"ТУРОН"
ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ



Ташкилий техника оламида етакчи бўлган

"Konica U - BIX"

нусха олиш машинасини Тошкентдаги омбордан сотади.

Кафолат - бир йил.

Шунингдек, сарфланувчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Исталган русумдаги нусха олиш техникасини тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш учун бир йилга шартномалар тузилади.

Бизда сифат ва баҳо хамоҳангдир!

Телефонлар: (3712) 44-59-55, 40-31-82.
Телефон/факс: (3712) 44-55-12.

«ШОҲМОТ» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарий! Аввало қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Шоҳмот тахтаси қисми — 10, 2, 6, 22, 2, 11.
2. «Шоҳмот — санъатдир, бинобарин унга санъат сифатида ёндашмоқ даркор» деган таърифнинг муаллифи, жаҳон чемпиони — 2, 7, 14, 13, 3, 1.
3. Энг замонавий шоҳмот унвони — 17, 6, 20, 21, 21, 10, 8, 23, 21, 24, 8, 6.
4. Улуғ шоир Алишер Навоийнинг «Лисон-ут-тайр» достонида таърифлаб берилган, XV асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда оммалашган шоҳмот ўйини — 19, 2, 24, 6, 2, 1, 18, 3. 22, 2, 4, 3, 6.
5. Ўтган асрда яшаган ва «Шоҳмот ўйинининг подшоси» таърифини олган америкалик шоҳмотчи — 10, 20, 6, 15, 3.
6. Тенг натижа билан тугалланган ўйин — 5, 9, 6, 2, 1, 17.
7. Биринчи расмий жаҳон чемпиони В. Стейницнинг асосий рақиби бўлган шоҳмотчи — 12, 3, 17, 20, 6, 3, 1.
8. Мусобақа, машғулот сўзларининг маънодоши — 16, 23, 3, 1.

Энди очқичдаги жавоблар асосида шаклдаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Бунда аён бўладиган тўрт мисра ибратли сўзлар ҳамсанавис шоир, мутафаккир Низомий Ганжавий қаламига мансуб.

Тузувчи:
Фозилжон ОРИПОВ.



«ИҚТИСОДИЁТ» ЎЙЛАНМАСИНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Газетанинг 1995 йил 7 октябрь сони.

Муаммонома:

Очқич: 1. Қиймат. 2. Молия. 3. Заём. 4. Савдо. 5. Ижара. 6. Гувоҳнома. 7. Ҳашар.

Шакл атрофида: айнан иқтисодиёт, уни янада ривожлантириш муаммолари ҳозирги сиёсатимизнинг асосий мазмунидир.

Шакл марказида «занжир» ҳолида:

1. Хусусийлаштириш. 2. Ширкат. 3. Тадбиркорлик. 4. Касаначилик. 5. Кафолот. 6. «Тараққиёт». 7. Таноб. 8. Бозор. 9. Расамад. 10. Дивиденд. 11. Даллол. 12. Лимит. 13. Тулов. 14. Валюта. 15. Акция. 16. Ярмарка. 17. Аукцион. 18. Нақд. 19. Даромад. 20. Дилер. 21. Рента. 22. Аванс. 23. Соҳибкорлик. 24. Консеркум. 25. Мулкчилик. 26. Капитал. 27. Лизинг. 28. Гумашта. 29. Аттор. 30. Рақобат. 31. Таннарх.

Спорт

САМАРАНЧНИНГ ДОРБОЗГА СОВҒАСИ

ТОШКЕНТДА ўтказилган Марказий Осиё ўйинлари ўзига хос йирик воқеага айлангани, мухлисларда унутилмас таассурот қолдиргани ҳаммага маълум.

Спорт анжуманининг унутилмас ва бетакрор манзараларидан бири тантанали очилиш маросимида мусобақа машъаласини ўт олдирилиши бўлди. Ушанда юртимизда меҳмон бўлган Халқаро олимпиада қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч машъала ёндиришнинг кўз кўриб қулоқ эшитмаган янги усулидан ҳаяжонланиб: «Бунақаси бўлмаган»!, деб юборган эди. Куни кеча спорт оламининг нуфузли бу мутасаддисидан ажойиб совға келди. Самаранч мусобақа машъаласини ўт олдирган моҳир дорбоз Зокир Тошкенбоевга совға йўллабди. Тошкенбоевлар сулоласининг бу вакили узунлиги 80, баландлиги 25 метрли дор бўйлаб дадил одимлашни ўрнига қўйиб, машъалани ўт олдирган ҳолати ҳамманинг кўз ўнгида. Куни кеча Ўзбекистон миллий олимпиада қўмитасида Самаранч йўллаган эсдалик совғаси ва унинг дасхати туширилган мактубни дорбозга топшириш маросими бўлиб ўтди.

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Республикамизда дон ва дон маҳсулотларини талонторож қилишнинг олдини олиш мақсадида кейинги пайтларда олиб борилган тадбирлар натижасида 21 фуқаро жами 36 тоннадан зиёд ғалла маҳсулотини ҳудудимиздан ташқарига олиб чиқиб кетаётганлиги аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда. Шундай нопок кимсалардан бири Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани ДАН ходимлари томонидан ушланди. У Тожикистон фуқароси Қулманов бўлиб, бошқарувидаги «УАЗ-3303» автомашинасидан 1 тонна-ю 250 килограмм буғдой чиқиб, нафси бузуқлигига чек қўйилди.

Мазкур вилоятнинг Термиз темир йўли бекатида ушланган Бегматов, Худойқулов, Жўраев ҳамда Қурбонмуродовлар яширинча олиб кетаётган 250 килограмм ун ва 368 килограмм буғдой ҳам олиб қолинди.

* * *

Одамлар ёзда қиш ғамини еб, сабзавот маҳсулотларини тузлаб ёки қуритиб қўйиш билан овора бўлишади. Баъзи бир одамлар борки, улар қиш тайёргарлигининг антиқа услубларини ҳам ўйлаб топишар экан. Ургутлик Омонов айнан шундай ғайри табиий «тузлама» ўйлаб топдики, буни кўрганлар лол қолишди. Аниқроғини айтганда ғамлама озми-кўпми 200 килограмм кўкнори гиёҳини ташкил қилди-қолди. Ҳозир ушбу ғайриқонуний ғамлама маҳсулоти юзасидан суриштириш ишлари ўтказилмоқда.

* * *

Тошкент вилоятининг Бекобод туманида ўтган йилнинг 19 ноябрь куни соат 3 дан 30 минут ўтганда, номаълум шахс 13-даҳада яшовчи Ольганинг уйига бостириб кириб, уни қирқма милтиқ билан қўрқитган ҳолда 3 минг сўм пули ҳамда тилла зирагини олиб кетди. Яқинда босқинчи ушланди. У 1974 йили туғилган Цой бўлиб, ундан ашёвий далиллар чиқди.

* * *

Босқинчилар ҳар хил баҳоналарни айтиб, одамлар уйига кириб олиши ва сўнгра уларни тунаб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Яқинда Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида икки номаълум шахс Халқлар Дўстлиги кўчасида яшовчи нафақахўр Мариянинг уйига алдаш йўли билан кириб олишди-ю, бир зумда унинг қўл ва оёқларини боғлаб, 17 дона турли заргарлик буюмларини олиб кетишди. Синчковлик билан ўтказилган қидирув ишлари сўнггида «зўравон» Э. ва А. Орифбоевлар қўлга тушдилар.

* * *

Республикамиз ички ишлар ходимлари экин майдонларининг пайҳон қилинишига қарши курашни янада кучайтиришди. Ҳозирги кунга қадар экин майдонларида қаровсиз юрган 4480 бош чорва моли ушланди. Улардан 4071 боши фуқароларга ва 409 боши эса турли жамоа хўжаликларига тегишли. Бу ҳолатлар юзасидан бир кишига нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Қолган 1913 нафар фуқарога маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилди. Улардан ундирилган жарима миқдори 318402 сўмни ташкил этди.

Рустам ТУРҒУНОВ,
ИИВ матбуот маркази ходими.

КУЛГИДАН ОЛАМ ЯШАРГАЙ

Брежнев вафотидан кейин у дунёда Ленин билан учрашиб қолибди:
— Ҳа, Лёнья келибсанда.
— Шу денг у ёкда, мени қаерга қўйишларини билмай бошлари қотаётгандир. Биласиз, мен ҳам «Ильич», мавзолейда бирга ётсак девдим...
Ленин зарда билан у ёкдан бу ёққа юраркан:
— Нималар, деяпсиз? Менимча, сизни «Тикланиш» ҳақида ўйламаслик учун «Кичик ер»га олиб бориб, «Қўрик» тупроғига кўмиш керак, — дермиш...

* * *

Муштарийлардан бири газета дўкони ёнида:
— Менга «Правда» беринг.
— Совет газеталари йўқ.
— Нега?
— Нима, билмайсизми, Совет ҳокимияти инқирозга учраган. Муштарий сал нари кетдию, кўнгли тўлмай яна қайтди.
— Менга «Правда» беринг.
— Мен сизга ҳозиргина айтдимки, Совет газеталари йўқ.
— Нега?
— Иттифоқ тугаган! Неча марта қайтариш керак?
— Оҳ, яна бир қайтаринг!...

ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ "ЖИЗЗАХЭЛЕКТРОСЕРВИС" ҚЎШМА КОРХОНАСИ

монтёрлар учун Россия давлат сертификатига эга бўлган

— монтёрлар белбоғи;
— монтёрларнинг ёғоч ва бетон таянчларга кўтарилиш универсал жиҳозларни таклиф этади ва йил давомида бу жиҳозлар учун буюртмалар қабул қилади.

Манзил:
Жиззах шаҳри, Садовая кўчаси, 60.
Тел/факс: (код — 372) 3-31-89, 3-27-28.
Телетайп: 319-134 АМПЕР.

"ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ"

Республика акционерлик бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 22 декабрь 15-1-141 сон баённомаси билан Давлат солиқ қўмиталарида рўйхатга олиш муддати узайтирилган, чет элда ишлаб чиқарилган *"РОЙАЛ"* назорат-касса машиналарини хўжалик шаклидан қатъий назар, чакана савдо корхоналарига савдо учун тақдим этади.

Машинанинг нархи 230 АҚШ доллари, (сотилаётган кундаги курс қийматида) Ўзбекистон Республикаси сўмларига, нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Манзилимиз: 700091, Тошкент шаҳри, "Янги-Обод" даҳаси, "Тол-Ариқ" кўчаси, 24.
Телефонлар: 97-09-91, 96-73-20, 98-37-90.
Факс: 97-34-85.
Автобуслар: 23, 26, 30, 61, 119.
"Янги-Обод" шоҳбекати.

«Ғунча» ва «Гулхан» журналлари жамоаси кекса журналист, ёзувчи

Маҳмуд МУРОДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош - уруғларига чуқур таъзия билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-12-56; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

* Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. * Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. * Ҳажми 2 босма табоқ. * Г -- 03.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи Н. ШОНИЁЗОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.